



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида**

**тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтути ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

|   |     |
|---|-----|
| <b>Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova</b><br>Xizmat ko'rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash choralarini o'rganish va takomillashtirish              | 73  |
| <b>Дурбек Мирзаахмадов</b><br>Хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш механизмлари  | 78  |
| <b>Bobir Xo'jaqul o'g'li Qilichov</b><br>Xizmat ko'rsatish sohasi bo'lgan sug'urta va turizm korxonalarini samaradorligining qiyosiy tahlili  | 82  |
| <b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>  |     |
| <b>Дилбар Хасановна Асланова, Нигина Тажиевна Юсупова</b><br>Оценка перспектив создания кластера в туристском секторе экономики Республики Узбекистан                               | 87  |
| <b>Райхона Садриддиновна Амриддинова, Сардор Олимович Рахимов</b><br>Сотрудничество между туроператорами и гостиницами как залог успешной продажи гостиничных номеров в Узбекистане | 94  |
| <b>Farrux Oltinboyevich Husanov</b><br>Turistik oqimlar va transport masalalarini modellashtirish   | 98  |
| <b>Suxrob Ramazonovich Bobokalonov</b><br>Buxoro viloyatida joylashgan Afshona qishlog'ida turizm shaharchasini tashkil etish loyihasini amalga oshirish istiqbollari               | 102 |
| <b>G'ayrat Soyibovich Raupov</b><br>Turizm xizmatlarini diversifikatsiyalash jarayonining konseptual modeli va diversifikatsiya matritsasi  | 110 |
| <b>Shohista Bobobekovna Toyirova</b><br>O'zbekistonda ekologik turizmning yangi turizm yo'nalishi sifatida rivojlanish tendensiyasi   | 115 |
| <b>Камилла Бахромовна Суюнова</b><br>Худудий брендни шакллантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари  | 119 |
| <b>Latofat Tolibovna Yo'ldosheva</b><br>Samarqand viloyati turizm sohasining rivojlanish holati va tendensiyalari   | 123 |
| <b>Матлуба Абдиманабовна Куймуратова</b><br>Жаҳонда туризмнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари  | 127 |
| <b>Kamol Sharifovich Yuldashev</b><br>Xalqaro tajriba asosida O'zbekistonga mustaqil turistlarni jalb qilishda viza siyosatining ta'siri  | 132 |
| <b>Азиза Пирмаматовна Махмудова</b><br>Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш йўллари   | 137 |
| <b>Marjon Komilovna Sharifova</b><br>Ziyorat turizmini strategik rivojlantirish va tahlil qilish yo'llari   | 140 |
| <b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>   |     |
| <b>Умар Худайбердиев</b><br>Оила муносабатларидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари   | 145 |
| <b>Акрам Одилович Очилов, Жаббор Махмудович Суюнов</b><br>Критерии оценки деятельности субъектов предпринимательства в регионах   | 147 |
| <b>Шавкат Собирович Олтаев</b><br>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари   | 152 |

- Ijtimoiy jihatdan mahalliy aholining soha faoliyatida ko ‘proq ishtirokini ta’minlash, turistlar va mahalliy aholi o ‘rtasida ekologik madaniyatni kengroq targ‘ib qilish;
- Texnologik jihatdan sohadagi ma’limotlar bazasini kengaytirish, raqamli marketingdan foydalanish.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O.X.Xamidov. O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirishni boshqarish mexanizmini takomillashtirish. Dissertatsiya. UDK338.48. 2017
2. R.A.Islomova. O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish muammolari. Iqtisodiyot. 2011
3. R.K.Ergashev. The ways and prospects of increasing the efficiency of ecotourism in Uzbekistan. European scholar journal. 2021
4. B.G‘uzorov. Samarqand viloyatida turizmning bugungi holati va kelajak istiqbollari. O‘zbekistonning top o‘n turistik hududlar qatoriga kiritish istiqbollari. Xalqaro ilmiy amaliy anjuman. 2020
5. N. Quliyev, M Latifova, Sh.Sharifov. Problems and solutions of transition to sustainable development of tourism. Science and education. Volume3, 2022
6. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi matbuot xizmati. 2023
7. Samarqand viloyat turizm boshqarmasi. 2022
8. Samarqand viloyati statistika boshqarmasi, 2023
9. O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi huzuridagi Turizm qo‘mitasi. 2023

|   |   |
|---|---|
| <p><b>Ш.Тойирова</b></p> <p><b>Тенденции развития экологического туризма как нового направления туризма в Узбекистане</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье описано состояние развития экологического туризма, который считается одним из важных направлений развития внутреннего и международного туризма в нашей стране. На основе статистических данных доказана степень эффективности использования экотуризма в целях резкого увеличения потока туристов, а также разработаны соответствующие предложения и рекомендации по данной теме.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экологический туризм, туристические возможности, охраняемые территории, экотуристские объекты, экотуристические маршруты, туристический имидж, электронная платформа «Путешествие на природу».</p> | <p><b>Sh.Toyirova</b></p> <p><b>The development trend of ecological tourism as a new tourism direction in Uzbekistan</b></p> <p><b>Abstract:</b> This article describes the state of development of ecological tourism which is considered one of the most important directions in the development of domestic and international tourism in our country. The extent to which ecological tourism is effectively used in sharply increasing the flow of tourists has been proved on the basis of statistical data and additional suggestions and recommendations have been made in this regard.</p> <p><b>Keywords:</b> ecological tourism, tourist opportunities, protected areas, ecotourism facilities, ecotourism routes, tourist image, electronic platform "Journey to Nature".</p> |
|---|---|

**Камилла Бахромовна Суюнова** – СамИСИ доценти в.б., PhD

**ХУДУДИЙ БРЕНДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

|  |
|--|
| <p><b>Аннотация.</b> Мамлакатда туризм соҳасида олиб борилаётган юқоридаги ва шунга ўхшаш жараёнларда давлатнинг ташаббускорлик ва бошқарувчанлик, туризмни тартибга солиш ва унинг негизидаги хўжалик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатининг роли катта. Ушбу мақолада туризм соҳасини ривожлантириш орқали худудий брендни юксалтиришда дунё тажрибалари айнан, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги асослаб берилди.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> туризм, худудий бренд, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат-хусусий шериклик, иқтисодий муносабатлар, салоҳият, тадбиркорлик.</p> |
|--|

**Кириш.** Сўнги йилларда потенциал саёҳатчиларни туризмга жалб этиш, мамлакатнинг улкан туристик салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уни миллий даромадни шаклланти-

ришнинг етакчи омилларида бирига айлантиришга йўналтирилган ибратли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида, Ўзбекистон халқаро туризм бозорларига шиддат билан кириб келаётган давлатлардан бирига айланди ва жуда қисқа муддат ичида улкан ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатда туризм соҳасида олиб борилаётган юқоридаги ва шунга ўхшаш жараёнларда давлатнинг ташаббускорлик ва бошқарувчанлик, туризмни тартибга солиш ва унинг негизидаги хўжалик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатининг роли катта<sup>1</sup>. Шунга қарамасдан, бу муҳим масалада ҳали имкониятлардан унумли фойдаланишга эришилмаган ва ўзининг узил-кесил ечимини тополмаган қатор муаммолар мавжуд. Бизнингча, Ўзбекистонда шундай муаммолар сирасига бизнесни ташкил қилишнинг давлат-хусусий шериклик шаклини киритишимиз мумкин. Ушбу муаммони бартараф қилиш учун давлат томонидан тезкор чоралар кўрилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Ўзбекистон Президенти томонидан 2021 йилнинг апрел ойида «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>ги ПФ-6199-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда туризмни ривожлантириш Давлат қўмиталари негизида туризм ва спорт вазирлигини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу фармоннинг мавзуга оид жиҳати шундаки, унда давлат-хусусий шерикчилик асосида туризм объектларини самарали бошқариш, ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бугунги куннинг истиқболли ва долзарб асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Худудий брендни шакллантириш бўйича тадқиқотлар натижалари А.М.Бабашкина, С.А.Баранова, Т.Г.Гришкова, К.Б.Зернова, Н.И.Илйина, Н.И.Кабушкина, Г.Г.Муфтиева, Н.Е.Никольский, А.Д.Нестерова, М.Г.Светунков, А.И.Тсапук, О.П.Савичева, У.А.Сафарова, К.Б.Трифенова, С.А.Исхакова, М.Т.Алимова, Н.В.Шитова<sup>3</sup> ва бошқалар асарларида келтирилган.

**Тадқиқот методологияси.** Худудий брендни шакллантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари бўйича қўйилган вазифаларни ҳал этишда мантиқий фикирлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Худудий брендни юксалтириш дунё тажрибалари айнан, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳимлигидан далолат беради. Айтиш жоизки, мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик шаклидан унумли фойдаланилмасдан келинмоқда. Ваҳоланки, бизнинг назаримизда, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан қўйилган муҳим вазифаларни бажаришнинг асосий омилига айланмоғи керак. Ушбу хулосамиз шунчаки юзаки чиқарилган фикр эмас, балки у чуқур мулоҳазаларга ва илмий-мантиқий асосланган далилларга таянади. Масаланинг моҳияти шундаки, туристик объектларнинг аксарияти ўтмиш аждоддан бизга мерос бўлиб қолган давлат ихтиёридаги ижтимоий мулк бўлиб, унинг хусусийлаштирилиши мумкин эмас. Лекин уларни муҳофаза қилиш, сақлаш, қайта таъмирлаш, теварак-атрофини ободонлаштириш, туристлар наздида жозибадорлигини ошириш катта миқдордаги инвестицияларни жалб этишни тақозо этади. Ушбу вазиятда халқ бойлиги ҳисобланган туристик объектларга хусусий мулкни жалб этишнинг энг самарали усули бўлиб, бизнес юритишнинг иқтисодий муносабат иштирокчиларининг ҳар иккаласига ҳам фойда ва манфаат келтирувчи давлат-хусусий шериклиги хизмат қилиши

<sup>1</sup> Bahromovna S. K., Kamariddinova K. A. Theoretical bases of tourism activity and socioeconomic factors of the concept of its priority development // ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 769-773.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2021 й. ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. [https://buxgalter.uz/uz/doc?id=656983 &prodid=1 vse zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://buxgalter.uz/uz/doc?id=656983 &prodid=1 vse zakonodatelstvo_uzbekistana).

<sup>3</sup> Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики / А.М.Бабашкина. - М.: Финансы и статистика, 2007. - ; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари.(Самарқанд вилояти мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. - Самарқанд: СамИСИ. – 2017. – 351 б.;

мумкин. Туризм соҳасидаги давлат-хусусий шериклигидан нафақат унинг бевосита иштирокчилари, балки бутун жамият ҳам катта манфаат кўради. Демак, туризм соҳасида ДХШ ни интенсив ривожлантиришдан хусусий тадбиркор ҳам, давлат ҳам, жамият ҳам манфаатдор. Уларнинг манфаатдорлиги туризмда мужассамланган ва ДХШ ёрдамида рўёбга чиқарилиши мумкин бўлган улкан салоҳият билан белгиланади. Томонларнинг манфаати туризмни ДХШ асосида ривожлантиришнинг барча субъектлар нуктаи назаридан ўзига хос афзалликларининг мавжудлиги билан таъминланган. Бизнинг назаримизда, тадбиркор, давлат ва жамият нуктаи назаридан ушбу афзалликлар қуйидагилар билан изоҳланади (1-расм):



**1-расм. Янги Ўзбекистонда ҳудудий брендни шакллантиришда ДХШ ни ривожлантиришнинг тадбиркор, давлат ва жамият нуктаи назаридан афзал жиҳатлари**

Тадқиқот натижаларига кўра, айтиш жоизки, мамлакатда давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил бу – ушбу шерикликда томонлар манфаати ўртасида манфаатлар баланси таъминланмаганлигидир.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг яқин ва узоқ келажақдаги истиқболлари хусусида фикр-мулоҳаза юритилганда, айниқса, уни келажақда ривожлантириш борасида давлат даражасида қарорлар қабул қилишда масаланинг яна бир муҳим жиҳатини эътиборга олиш муҳим, деб ҳисоблаймиз

**Хулоса ва таклифлар.** Бу борада бизнинг фикр-мулоҳаза юритиш ва илмий хулоса чиқариш қуйидагича: глобаллашув жараёнлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги замонда туристик хизматларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш муаммолари янада актуаллашади. Шу сабабли, мижознинг тез ўзгариб турадиган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўсиб бораётган талабларини қондириш муҳим

бўлиб қолади, яъни тез ўзгарувчан бозор шароитларини ҳисобга олиш, талабга йўналтирилган ва бозор эҳтиёжларини аниқлашга хизмат қиладиган, туристик хизматларнинг юқори сифатини таъминлайдиган концепцияни қўллаш муҳим заруриятга айланди.

Жаҳон бозорида рақобатбардош миллий туризмни шакллантириш ғоясини амалга ошириш турмаҳсулотларнинг, биринчидан, миқдор кўрсаткичларини кенгайтириш, тармоқнинг бозордаги сегментини ошириш ва иккинчи томондан, хизматлар сифатини тубдан яхшилаш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтаришни тақозо этади. Мамлакатда амалга оширилаётган туризмни юқори даражада ривожлантириш инвестицион фаолиятни жадаллаштириш билан узвий боғлиқ. Бундай муҳим вазифаларни ечиш катта миқдордаги инвестицион ресурсларни жалб этишни заруратга айлантиради. Лекин, давлат ўтмишдан мерос қолган тарихий-маданий объектларнинг расмий эгаси бўла туриб, ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли, ушбу сарф-харажатларни зиммасига олишга ожизлик қилади. Натижада, катта инвестицион ресурсларни жалб қилишни тақозо этувчи бу вазифаларни ечишда тадбиркорларни жалб этишга катта эҳтиёж юзага келади. Ушбу эҳтиёжни муваффақиятли қондиришнинг ягона йўли – давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳар иккала томонга манфаат келтирувчи шерикчиликка асосланган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик механизмларини маркетинг ҳудудлари учун қўллаш учун нафақат шерикликнинг ҳар икки томонининг бундай шериклик афзалликларини тан олиш, балки кучли ҳамкорликни ўрнатиш ҳам зарур, улар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, мамлакатимизда жамоат муносабатларини янада институционализация қилишни талаб қиладиган ишонч муҳитини яратиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Светуньков М.Г. Теория государственного регулирования предпринимательскими сетями. Монография. – Ульяновск: Издатель ИП Василькина М. Н., 2011. – С.16.
2. Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг Концепцияси. – Тошкент: Буюк келажак, 2018. – 233 б.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ 5611-сон Фармонида 1-илова. –Тошкент, 2019.
4. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси / Ш.М. Мирзиёев. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2022.
5. Bakhromovna, Suyunova Kamila, and Umarov Oltinbek Bobir O‘G‘Li. "THE EVOLUTION OF SCIENTIFIC VIEWS ABOUT THE ROLE OF THE STATE AND STATE REGULATION IN A MARKET ECONOMY." *Journal of marketing, business and management* 3.4 (2024): 58-63.

|  |   |
|--|---|
| <p><b>К.Суюнова</b></p> <p><b>Перспективы развития государственно-частного партнерства в целях формирования регионального бренда</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В процессах, осуществляемых в сфере туризма в стране, значима роль государственной политики инициативы и управления, регулирования туризма и основанной на ней эффективной поддержки субъектов хозяйствования. В данной статье обоснована важность эффективного использования возможностей государственно-частного партнерства на основе мирового опыта совершенствования бренда региона посредством развития туристической сферы.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> туризм, региональный бренд, нормативно-правовые документы, государственно-частное партнерство, экономические отношения, потенциал, предпринимательство.</p> | <p><b>K.Suyunova</b></p> <p><b>Prospects for the development of public-private partnerships in order to form a regional brand</b></p> <p><b>Abstract:</b> In the processes carried out in the field of tourism in the country, the role of state policy of initiatives and management, regulation of tourism and effective support of business entities based on it is significant. The article substantiates the importance of effectively using the opportunities of public-private partnerships based on global experience in improving the brand of the region through the development of the tourism sector.</p> <p><b>Keywords:</b> tourism, regional brand, regulatory documents, public-private partnership, economic relations, potential, entrepreneurship.</p> |
|--|---|

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.